

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи илмий ишлар бўйича
директор ўринбосари, санъатшунос
Зухра Холикова

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон тарихидаги сиёсий воқеликлар, сўнги қатағон “Пахта иши” ёхуд “Ўзбеклар иши” тўқимаси остида халқимиз бошига тушган оғир мусибатлар, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этилиши, алалоқибат кучли маънавий портлаш шунингдек, мамлакатни мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутиши ҳамда бугунги “Янги Ўзбекистон”да инсон манфаатларига хизмат қилувчи қонун устиворлиги илмий таҳлил этилди.

Калит сўзлар: мафкура, шўролар ҳокимияти, мустабит-тоталитар тузум, сўнги қатағон, аграр республика, суверен Ўзбекистон давлати.

Аннотация. В данной статье научно анализируются политические реалии истории Узбекистана, суровые испытания, выпавшие на долю нашего народа под покровом последних репрессий – «хлопкового дела» или «узбекского дела», нарушение прав и свобод человека, последовавший за этим мощный духовный взрыв, а также становление страны как независимого государства в мире и верховенство закона, служащего интересам человека в сегодняшнем «новом Узбекистане».

Ключевые слова: идеология, советская власть, авторитарно-тоталитарный режим, последние репрессии, аграрная республика, суверенное узбекское государство.

Abstract. This article scientifically analyzes the political realities of the history of Uzbekistan, the severe hardships that our people suffered under the cover of the last repression, the "Cotton Affair" or the "Uzbek Affair", the violation of human rights and freedoms, the resulting strong spiritual explosion, as well as the country's emergence as an independent state in the world, and the supremacy of law serving human interests in today's "New Uzbekistan".

Keywords: ideology, Soviet power, authoritarian-totalitarian regime, last repression, agrarian republic, sovereign Uzbek state.

Кириш Мустақиллик - бу эркинлик, озодлик демакдир. Мустақиллик шарофати билан биз ўз тарихимизни қайта ва объектив ҳолда ўргандик. Айни дамларда мустақиллигимизнинг 34 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан бебеҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Маълумки давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига зўрлик билан қўшиб олиншимиз натижасида узилиб қолган эди. Фақат мустақилликка эришгандан кейингина халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суверен Ўзбекистон янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга мос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топтирилди. Мустақиллик байрами арафасида шу юрт учун бор кучини, билимини ва бутун умрини, ҳатто жонини фидо қилган инсонлар ёдга олинади. Хотирлаш-халқ манфаати

учун курашган, эл-юрт хурматига сазовор бўлган кишиларни ёд этишдир. Мустақиллик ҳаммамизга миллий онг ва тарихий хотирани тиклаш имкониятларини берди.

Мустақиллик туфайлигина XX-аср охирида ўлкамиз ўтмишида содир бўлган хатоларни тузатишга интилиш бошланди, ноҳақ айбланганлар оқланди, халқ ҳаёти фаровонлиги учун курашганларнинг хотираси абадийлаштирилди. Бундай байрамларда Ватан озодлиги учун курашда ҳалок бўлган ёки юрт равнақи учун фаол меҳнат қилиб, вафот этиб кетганлар руҳи улуғланиб, уларни порлоқ хотирасига таъзим бажо келтирилади.

Ўтмишга бир назар ташлайдиган бўлсак, XIX-аср охири XX-аср бошларида ўлкамизга “Чор Россияси” ўз сиёсати билан бирга ўз маданиятини ҳам олиб киришга интилди ва барча миллат вакиллари ягона “совет халқи”га айлантириш мақсадида миллий онг, халқ анъаналари ва маънавий қадриятларига қарши норасмий кураш олиб борди. Натижада ўзбек халқ анъанавий маданияти ҳам ўз томирларидан узилиб қолди. Бу курашнинг биринчи тўлқини октябр тўнтарилиши натижасида шўролар ҳокимият теппасига келганидан сўнг 1920-йилларда, иккинчиси қатағон даври 1930-йиллар ўрталарида, учинчиси II-жаҳон Урушидан сўнг 1950-йилларда, тўртинчиси совуқ уруш даври 1970-йилларда ва бешинчиси Мустақиллик арафаси 1980-йиллар охирларида содир бўлди.

Узоққа бормайлик, сўнгги қатағон 1983 йили “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” тўқима-уйдирмаси билан мамлакатга кириб келган “иванов ва гдлянчилар” ҳаракати бунга яққол мисол бўла олади. Бу даврларда қанчадан-қанча илмли-маърифатли инсонлар, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий тараққиётини кўтарган меҳнат фидоийлари, фахрийлари, қўйингки ўзбекнинг чин зиёлилари ёт унсурлар томонидан қатағон қилиндилар ва давр қурбонига айланиб, баъзилари бевақт ўлимга маҳкум этилдилар.

Шу ўринда бир вақтлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдусамат Полвонзоданинг юртимиз тақдири билан боғлиқ бўлган, аниқ факт ва далилларга асосланган “Кечаги кунларнинг ўқилмаган саҳифалари” рукни остида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг муҳбирига берган ўта таъсирли интервьюсига диққатингизни тортмоқчийдим.

“1983-1989 йиллар халқимиз учун ниҳоятда оғир йиллар бўлган. Чорак аср Ўзбекистонни бошқариб, аграр республикадан саноати ривожланган, Собиқ иттифоқда ягона саналган қатор-қатор завод-фабрикалари бор, малакали муҳандис кадрларига эга республикага айлантирган беназир инсон Шароф Рашидовнинг бевақт ўлимидан сўнг Ўзбекистонда қатағон қиличини ишга солишга шай бўлиб турган марказ томонидан тухмат тошлари отила бошланди. Улар юртимизга бостириб кириш учун баҳона қидира бошлади. Баҳона эса топилди. 1983 йилда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасининг ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров бир савдо ходимидан пул олаётган пайтда қўлга тушиб, хибсга олинади. Бу ишни тергов қилиш пайтида Бухоро вилояти савдо идорасининг раҳбарларидан бири Ш.Қудратов ўзи раҳбарлик қилаётган идорадаги савдо ходимларидан пора олиши ва партия, совет ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошлиқларига пора бериши ошкор бўлиб, у ҳам қамоққа олинади ва тергов ҳаракатлари бошлаб юборилади.

Порахўрлик табиийки, жамият илдизига болта урадиган оғир жиноят. Лекин у СССР миқёсидаги тергов идоралари шуғулланадиган жиноятлар сирасига мутлақо кирмас, бундай жиноятларни, одатда, республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзи ҳам бемалол тергов қилиши мумкин эди.

Аммо 1920 йилдан то Иттифоқ тарқалгунга қадар ҳар ўн йилда қатағон қиличини ишга солиб, халқни даҳшатда, қўрқувда ушлаб туришга одатланиб қолган марказга айна шу машъум воқеа

Ўзбекистонни бадном қилиш учун баҳона бўлди. Марказ Музаффаров ва Қудратовни ишини тергов қилишни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан олиб, СССР прокуратурасига топширади. Тельман Гдлян ва Николай Иванов эса СССР прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига бошлиқ этиб тайинланади ва уларга жуда катта ваколат берилади, ўз фаолиятини олиб бориш учун уларга ҳатто ҳарбий техника ва вертолёт, куролланган аскарлар ҳам бириктириб қўйилди. Шундан сўнг, улар Ўзбекистонда мисли кўрилмаган зўрвонликдан иборат фаолиятини бошлаб юборишди.

СССР прокуратураси бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Иванович Илюхин ўзининг “Қабоҳат...” номли китобида Гдлян ва Иванов СССР прокуратурасига таниш-билиш орқали кириб қолган, малакаси паст, маданиятсиз, хавфли жиноятчи терговчилар эди, деб баҳо берган. Ҳақиқий терговчи ўз фаолиятини қонун талабларидан келиб чиқиб, фақат факт ва далилларга асосланган ҳолда амалга ошириши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жиҳатларни адолат тарозисига солиб кўргандан кейингина у ёки бу одам ҳақида узил-кесил хулосага келиши лозим эди. Гдлян, Иванов ва улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ҳам ўз фаолиятини жиноят I процессининг ушбу талабларига амал қилган ҳолда олиб бориши шарт ва лозим эди. Аммо улар нақд олти йил мобайнида қонунларни сурбетларча оёқости қилди. У ёки бу одамни хибсга олмақчи бўлса, кимнидир мажбурлаб унинг устидан сохта кўргазма ёздириб олар, сўнг шу кўргазма асосида ўша одам қамоққа олинар, ундан яна бир бошқа кишига нисбатан кўргазма ёздириб олишарди. Ўз муддаоларига эришиш учун гумонланувчиларни ваҳшиёна қийноқларга солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлғон кўрсатмалар ёздириб, юзлаб юртдошларимизни қамашди. Чунки уларнинг иш принципи ана шундай ноқонуний усул асосига қурилган эди. Тергов гуруҳи бирин-кетин қатор кўзга кўринган, тажрибали раҳбарларни тўқиб чиқарилган айбловлар билан хибсга олдилар. Бу жараён бутун республика бўйлаб давом эттирилди.

1984 йил Ўзбекистон учун яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. Шу йили Ўзбекистон Марказқўмининг XVI-пленими бўлиб ўтди. Ушбу пленум Ўзбекистон Марказқўми ходимлари эмас, бошдан-оёқ КПСС МК котиби, сиёсий бюро аъзоси Е.Лигачев бошчилигида у билан бирга марказдан келган ходимлар томонидан тайёрланган. Ўзбекистонни қора бўёққа бўяб ташлаган Марказқўм биринчи котибининг маърузаси ҳам улар томонидан ёзилган ва биринчи котибга минбарга чиқиб, маърузани фақат ўқиб бериш вазифаси юкланган эди, холос. Маърузада пахта етиштириш ва давлатга топширишда кадрлар қатъиятсизлик қилгани, қўшиб ёзишларга йўл қўйилгани алоҳида таъкидланди. Ваҳоланки, ўша пайтларда Ўзбекистон аҳолисининг 65 фоизи фақат пахта етиштириш билан шуғулланар, миллионлаб одамлар – мактаб ўқувчилари, студентлар марказнинг топшириғи билан декабрь, ҳатто январь ойларида ҳам мажбурий пахта териш билан деярли текинга шуғулланишарди. Йиғиб олинган ҳосил эса паст нархларда марказга жўнатиладди. Дунёда ҳеч бир халқ мана шундай оғир шароитда ишлашга мажбур қилинмаган. XVI-пленимда Ўзбекистон МК фаолияти кониқарсиз деб топилди ва Марказдан Ўзбекистонга кадрлар борасида ёрдам сўралди ва шу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди. Шундан кейин Ўзбекистонда минглаб маҳаллий кадрлар ишдан бўшатилади. Шароф Рашидовдек улуғ инсоннинг юзига қора чапланди. Нўъмон Бўрихўжаев, Виталий Зотов, Убайдулла Шодиев каби Ўзбекистон прокуратурасининг етук салоҳиятли раҳбар кадрлари ишдан ноҳақ бўшатилади ва лавозими пасайтирилди. Ваҳоланки, бу инсонлар ниҳоятда покиза, ҳақиқий профессионал юристлар бўлиб, ўзига хос ҳуқуқий мактаб

яратишганди. Яна кўплаб миллий кадрларимиз тўқиб чиқарилган айблар билан узоқ муддатларга қамокқа ташланди.

Шундан сўнг республикадаги турли раҳбарлик лавозимларига марказдан кадрлар кела бошлади. Бир сўз билан айтганда, улар ҳукумронликни тўла қўлга олиб, юртимизда “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деган тўқима бўйича қатагонни авж олдирдилар. Иванов ва Гдлян учун бу ҳолат айни муддао бўлди. Энди улар нимани хоҳласа шуни бемалол қилверадиган бўлди. Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳи фақат юқори лавозимда ишлаган шахсларга нисбатан тергов олиб борган, улардан иқдорлик кўргазмасини олиш учун юзлаб қариндошлари, қўшнилари, ҳатто танишлари қамокқа ташланиб, қийноққа тортилган. Марказқўмнинг XVI пленумидан кейин Ўзбекистонда раҳбар бўлиб ишлаганларни тўқиб чиқарилган айбловлар билан қамаш оммавий тус олди. Ўзбекистоннинг барча юқори ва масъул лавозимларида ишлаётганлар ёппасига бирин-кетин хибсга олиндилар.

“Гдлян”чилар томонидан содир этилган фуқароларнинг қонуний ҳуқуқини қасдан поймол қилиш, ҳақоратлаш, хўрлаш, жисмоний ва руҳий қийноқлар оқибатида баъзилар ўз жонига қасд қилишга мажбур бўлди. Баъзилари эса тергов пайтида ўз жонига қасд қилдилар. Яна баъзилари Гдлян бошлиқ терговчилар қамокқа олиш учун уйига келганида ўзини ўзи ҳалок этди. Масалан, собиқ ички ишлар вазири Қ.Эргашев, ички ишлар вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Г. Давидов ҳам гдлянчилар қўлига тушгандан кўра ўлимни афзал кўришди.

Иккинчи жаҳон урушида фашистларга қарши мардонавор курашган, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги йирик агросаноат мажмуаси директори, Мехнат қаҳрамони Бобомурод Омонов эса тергов хибсхонасида соғлиги кескин ёмонлашиб вафот этади. Бундай фожиали тақдирлар рўйхатини, афсуски, яна узоқ давом эттириш мумкин. Ушбу фожиалар туфайли юзлаб ўзбек оилаларига оғир мусибат етди.

Кенг ваколатга эга бўлган бу тергов гуруҳи хибсга олинган айбланувчиларга нисбатан терговнинг ман қилинган усулларини қўллар, уларни ашаддий қаллақесарлар билан бир камерага ўтқозиш, отувга ҳукм қилиш билан қўрқитиш, хотини, қизи, ўғилларини, хибсга олиш, жисмоний-руҳий қийнаш ва ҳоказолар орқали иқдорлик кўргазмасини олиш оммавий тус олган эди ўша кезлари. Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексига гувоҳларни тунда чақириш ва сўроқ қилиш ман қилинган, лекин тергов гуруҳи ва Гдляннинг шахсан ўзи қонун талабига ҳилоф равишда гувоҳларни тунда сўроқ қилиш билан шуғулланган.

“СССР халқ депутатлари мақоми” тўғрисидаги қонунда депутатларни Совет ва уларнинг ижрокўми розилигисиз ушлаш ва хибсга олиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бироқ терговчилар қонуннинг бу талабини бир эмас, бир неча марта бузишган. Гдлян билан Иванов марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда гўё жиноятчи тўдаларни фош қилганлари ҳақида миллий шаънимизни таъқирловчи “Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр”, “Ўзбекистон биз учун Шарқий фронт”, “Ўзбекистон Ўрта Осиё Чернобили” деган сўзлар билан жуда катта шов-шув кўтара бошладилар. Ушбу тергов гуруҳи хибсга олинган айбланувчиларга нисбатан қонунни ғараз ниятлар билан олти йил мобайнида бешавқат, сурбетларча оёқости қилдилар. Улар қуролланган аскарлар билан ҳарбий вертолётларда олис кишлоқларгача бориб, одамларнинг бор-будини талаб, зўравонлик қилишди.

30-йилларда Ягода ва Ежов сингари жиноятчилар инсониятга қарши жиноят содир этгани учун СССР тарихида жаллод сифатида ном чиқарган эдилар. Шулар ва шу қабиаларнинг айби билан халқимизнинг асл фарзандлари, давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий, ёрқин истеъдод эгаси, шоир Усмон Носир ва бошқалар қатагон

қилинди. Маълумки, бу оғир жиноятлари учун Ягода ва Ежов қилмишига яраша ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бу ҳукмлар адолатли эди аслида.

Минг афсуски, юқорида қайд этилган воқеликлар ўз даврининг асл ҳақиқатлари, қатағонга учраганлар эса бизнинг ватандошларимиз эдилар. Тарих ўлмайди, инсон шаънини таъкирлаган, юртимизга кириб олиб, халқимизни ўз мафқурасининг қулига айлантирмоқчи ва миллатимизни йўқ қилмоқчи бўлган зўравонлар эса асло кечирилмайди.

1991 йил Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган, мамлакатда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Қатор-қатор истиқболли ислохотлар олиб борилди. 1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, Янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажариб келди. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Конституцияга мувофиқ янги демократик сайлов тизими асосида Ўзбекистон тарихида илк бор Республика парламенти-Олий Мажлис ҳамда вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларига кўшпартиялик асосида эркин, муқобил сайлов ўтказилди. Натижада давлат ҳокимиятининг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан иборат қонун чиқарувчи тармоғи вужудга келтирилди. Асосий Қонуннинг қоидалари негизида республика суд тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди. Жамиятни демократик ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва қоидаларига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, миллий хавфсизлик органларининг кўп жиҳатдан янги бўлган тизими барпо этилди. Миллий Армия-Ўзбекистон Куролли Кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги ғоят муҳим ютуқ бўлди. Шунингдек, ташқи алоқаларни таъминлайдиган институционал тузилмалар: Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳамда бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг бутун бошли тармоғи вужудга келтирилди. Ўзбекистон тарихида илк даъфа жорий этилган Республика Президенти лавозими Янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди. Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган. Бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланиб қолди. Ўзбекистон мустақил деб эълон қилиниб, ҳукумат теппасига Ислом Абдуғаниевич Каримов Президент бўлиб келгач, мамлакат тақдирига алоқадор барча муаммолар бирин-кетин бартараф этила бошланди. Оғир синовлар ва машаққатли меҳнат эвазига қисқа вақт ичида Ўзбекистонни бутун дунё тан ола бошлади. Шу тариқа мамлакат дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига ва нуфузига эга бўла бошлади.

2016 йилги мудҳиш воқеа халқимизни биров довдиратиб қўйди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти ўзбек халқи учун оғир йўқотиш бўлди. Мамлакатда яна оғир синовлар даври бошланди. Юрт тақдирини энди нима бўлади? деган савол

хаммани бошида айланар эди. Давр хушёрликни талаб қиларди, Не-не машаққатлар билан қўлга киритилган Ўзбекистон мустақиллигига ғараз ниятлар билан кўз тикиб турганлар ҳам йўқ эмасди. Зудлик билан қарор қабул қилиш фурсати етган эди. Халқимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевни янги президент сифатида тан олди ва унга ишонди. Ўтган йиллар мобайнида мамлакат ҳар жиҳатдан юксалди. Президент томонидан қатор қарор ва фармонлар ҳамда истиқболли режалар ишлаб чиқилиб, амалда ижроси таъминланди. Мамлакатда биринчи навбатда асосий эътибор кадрлар сиёсати, кучли армия ва қуролли кучлар тизимини мустаҳкамлашга қаратилди. Ички ва ташқи алоқалар янада мустаҳкамланди. Мамлакатда содир этилаётган жиноятлар олди олиниб, ҳукумат раҳбари бошчилигида бу каби иллатлар ва камчиликлар бартараф этилди. Барча эътибор халқ манфаатларига қаратилди. Халқимиз ҳаёти яна ўз изига тушиб кетди.

Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган халқчил, адолатли ва кенг қамровли ислохотлар бугун халқимиз ҳаётида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Бунда халқ манфаати биринчи даражага олиб чиқилиб, “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак деган тамойил остида барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятларини адолатли олиб бормоқда. “Янги Ўзбекистон”нинг ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳволи, ички ва ташқи сиёсати, умуман олганда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ҳаётимиздаги ислохотларни амалга ошириш борасидаги натижалар ҳар жиҳатдан ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мамлакат тақдирига бепарқ бўлмаслик, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг масъулиятли бурчи ҳисобланади. Ҳокимлар-Президентнинг жойлардаги вакиллари дир. Президент олға сураётган сиёсатни одамлар онгига етказиш, уларни белгилаб олинган тараккиёт йўлидан бошлаш, улуғвор ишларга даъват этиш ҳокимларнинг муқаддас бурчидир. Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижаси жойлардаги масъуллар ва Ўзбекистонни ягона Ватан деб билган ҳар бир фуқаронинг елкасига улкан масъулият юклайди. Шундай экан, барчамиз бир тан-бир жон бўлиб, Президентимизнинг ёнида туриб, ўз постимизда тинчлик учун камарбаста бўлсак, мамлакатимиз мустақиллиги абадий бўлишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўтмишда бўлиб ўтган мудҳиш воқеликлар бугунги кунларимиз учун ибрат ва сабоқ бўлсин. Мустақиллик осонликча қўлга киритилган эмас. Ўша ҳолатлар яна такрорланмаслиги учун миллатда ғурур-ифтихор туйғусини янада кучлироқ уйғотиш, айниқса ёшларни аждодларга муносиб инсонлар қилиб тарбияларшни талаб этади. Бугунги ёшларга айтмоқчи бўлганларимиз, кўпроқ китоб ўқиб, тарихни чуқур ўрганиш, аждодларимиз босиб ўтган матонатли йўлларни англамоқ ва ҳис қилмоқ керак. Давр жуда хушёрликни талаб этади. Занжирсимон таҳдидларга яна асир бўлмаслик учун барчамиз ўз тарихимиз ва илдизларимизга кўпроқ мурожаат этмоғимиз ва бундан хулоса чиқармоғимиз даркор. Шундагина мустақиллигимиз абадий бўлади...

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент. 1997 йил.
2. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” <https://sudyalaroliymaktabi.uz>.
3. <https://UZA/UZ> > “Пахта иши қандай юзага келган эди?”
4. Шавкат Мирзиёев. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” 4-ж. “Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади” <https://hilolnashr/uz>